Хазрат Хожа Убайдуллох Ахрор — Марказий Осиё халкларининг XV аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, маданий ва тафаккур ривожида мухим ўрин тутган. Накшбандия тарикатининг назарий, амалий жихатларини бойитиб, бу таълимотнинг машхур бўлишига хисса кўшган тарихий шахсдир. У хижрий 806 йил рамазон ойида (1404 йил, март) Шош — Тошкент вилояти музофотларидан Богистонда дунёга келган. Огаси Хожа Махмуд ва бувалари маърифатли кишилардан бўлиб, дехкончилик ва тижорат билан шугулланган. Она тарафидан Хожа Ахрор машхур Шайх Хованди Тахурга бориб уланади.

Хожа Ахрор бошлангич маълумотни Тошкент мадрасаларида олиб, ёшлик чогларидаок мукаддас жойларни зиёрат килишга мойиллик кўрсатади ва 23—24 ёшларда тогаси, замонасининг билимдон кишиларидан бўлган Хожа Иброхим уни Самаркандда ўкитишни максад килиб кўяди. Хожа Ахрор кўпрок тасаввуф илмига кизикади. Шу максадда Хиротга келиб, 1428—1431 йиллар орасида Шайх Бахоуддин Умар, Шайх Зайниддин Хавофий каби таникли мутасаввуф билимдонлари сухбатида бўлади. Сўнг Чаюниённинг Хулгату мавзеида истикомат килувчи Хожа Бахоуддин Накшбанднинг шогирди бўлган Яъкуб Чархий (вафоти 1447)га кўл бериб, ундан Накшбандия тарикати асосларини ўрганади. 1431—1432 йиллар орасида Хожа Ахрор Тошкентга кайтиб, Накшбандия тарикатининг йирик арбоби Бахоуддин Накшбанд таълимотининг давомчиси сифатида танилиб, айни вактда дехкончилик ва тижорат ишлари билан машгул бўлади

Манбаларда кўрсатилишича, Хожа Ахрорнинг хўжалик фаолияти тез орада жуда кенг ривож топади. Чунончи, "Рашахот" асари муаллифи Фахриддин Али Хожа Ахрор ерлари Тошкент вилоятидан то Амударё сохилларигача бўлган худудда 1300 дан ортик экинзорларни ташкил этганини эслатади. Шуниси эътиборга сазоворки, тадкикот ишларида аникланишича, майда мулкчилар соликлардан кутулмок учун ўз ерларини Хожа Ахрор ихтиёрига ўтказишган. Хожа Ахрорнинг хукмдор олдидаги нуфузи шариатда белгилангандан (ушр, мол, закот) ташкари фавкулодда соликларни мехнаткашлар гарданига юклашдан уларни химоя этган. Хожа Ахрор ерларининг кўпайиб боришига шу омил хам бир сабаб бўлган, холос. Дехкончилик, чорвачиликдан ташкари Хожа Ахрорнинг шахарларда хам хунармандчилик расталари, устахоналари бўлган ва булардан хам катта даромад келиб турган.

Савдо-сотик масалаларида Хожа Ахрор нафакат Мовароуннахр худудида, балки Хуросон, Хиндистонга хам молларни юбориб, савдо килган. Шуни хам айтиб ўтмок лозимдирки, Хожа Ахрор ўз хўжалик фаолиятидан олган даромаднинг кўпгина кисмини ахоли бошига тушган огир соликларни тўлаш, диний ва маданий курилишларни амалга ошириш каби ишларга сарфланган. Чунончи, Умаршайх Мирзо Тошкент ахолисидан 250 000 динор хажмида солик талаб килганида Хожа Ахрор бу маблагнинг хаммасини ўзи тўлаб, яна 70 000 динорни хам солик йигувчиларга топширган. Шунингдек, Хожа Ахрор томонидан Самаркандда, Тошкентда ва Кобулда хам мадрасалар курдирилганлиги манбалардан маълум.

Накшбандия тарикатининг асосий гояси: мехнат билан машгул бўлиш ва айни вакгда дил

Аллох билан бўлмоги лозимлиги Хожа Ахрор томонидан эътироф этилгани ва амалда кўлланилгани унинг ўз сўзидан равшандир. «Хазрат Абдулхолик Гиждувоний буюрмишлар-ки,— дейди у Али Сафийнинг «Рашахот» асарида келтирилишича,— халкнинг огирини енгил килмок даркор, аммо бунга халол касб билангина эришилади. «Кўл иш билан, дил ёр (Аллох) билан» шиори Хожагон тарикатида мукаррардир». Хожа Убайдуллох Ахрорнинг мамлакат сиёсий хаётида фаол иштироки 1451—1452 йилларга оиддир. 1447 йили Темурийлар давлати бош хукмдори Шохрухнинг, 1449 йили эса Мовароуннахр хукмдори Мирзо Улугбекнинг вафотидан сўнг бир неча йил Темурий шахзо-далар орасида тахт учуй кураш боради. 1451 йили шахзодалардан бири Абу Саъид Мирзо Тошкеитда бўлиб, Хожа Ахрорни ўзига маънавий мададкор деб танийди ва шу йили Мирзо Абдулло билан бўлган жанг-да кўли баланд келиб Самаркандни эгаллайди хамда Хожа Ахрорни Тошкентдан Самаркандга кўчириб келади. Хожанинг Самаркандда муким туриши ана шу 1451 йилдан бошланади. Унинг мамлакатдаги сиёсий жараёнларда иштироки 1454 йилга оид бўлиб, шу йили Хуросон хокими Абулкосим Бобур Самаркандни камал килганида Хожа Ахрор шахар химоячиларига бош бўлиб, душманни сулх тузишга мажбур этади. Шу билан Хожа Ахрорнинг шахзодалар орасидаги низоларни сулх билан якунлаб, мамлакатда осойишталик ўрнатишга каратилган сиёсий фаолияти умр бўйи давом этади. Унинг 1458 йили Шохрухияда ўзаро конли тўкнашувга тайёр уч хукмдор: Султон Абу Саъид (1451—1469)нинг ўгиллари Султон Ахмад Мирзо, Умаршайх Мирзо ва Юнусхон (1462—1487)нинг ўгли Султон Махмудлар орасидаги низони сулх билан бартараф килганлиги манбаларда кўп талкин этилган.

Хожа Ахрор Валий 1490 йилда вафот этган ва Самаркандда дафн этилган.

Хожа Ахрор каламига мансуб уч рисола бизгача етиб келган. Улар-дан бири — «Факарот ул-орифин» («Орифлар сўзларидан парчалар») номи билан машхур бўлиб, унда Хожа Ахрорнинг ва баъзи бошка тасаввуф намояндаларининг тарикатга оид фикрларидан намуналар келтирилган. «Волвдия» деб номланган иккинчи рисоласини Хожа Ахрор ўз отаси илтимосига кўра ёзган. Унда тарикат йўлига кирган кишининг ахлок-одоби, факр ва фано тушунчалари хакида сўз боради. Бу рисола ўз даврида машхур бўлиб, Жомий ва Алишер Навоийлар у билан якиндан танишганлар. Захириддин Мухаммад Бобур эса уни форсийдан ўзбек тилига шеърий таржима килган. Учинчи рисола «Хавроийя» деб аталиб, машхур мутасаввуф шоир Абу Саъид Абул-хайрнинг (XI аср) ушбу «Хавро» («Хурлар» ёки «Фаришталар») сўзи билан бошланувчи бир рубоийсини шархлашга багишланган.

Булардан ташкари Хожа Ахрор томонидан ўз замондошларига ёзилган анчагина рукьа — номалари хам бизгача етиб келганки, уларни хам мазкур асарлар сирасига киритиш жоиз, чунки уларда муаллифнинг ўз даври маънавий, ижтимоий ва сиёсий хаётида тутган ўрни акс этади. Хатлар турли тўплам ва манокиблар сахифалари оркали бизгача етиб келган. Улардан энг мухими «Мажмуайи муроса-лот» деб номланган XV аср дастхатлар тўплами таркибидаги рукьалардир. Тўплам Алишер Навоий буйруги билан тузилган ва шунинг учун «Навоий альбоми» деб хам аталади (ЎзР ФА Шаркшунослик инстутити кўлёзмалар фонди, ракам 2178). Унда Хожа Ахрорнинг 128 дона рукъалари мавжуд. Улар Самарканддан Хиротга — Хусайн Бойкарога ва аксари, Алишер Навоийга ёзилган. Бу хакда «Насоим ул-мухаббат» асаридаги Навоийнинг ўз сўзлари тасдиклайди:

«...Аларнинг бу хакир ила илтифотлари кўп бор учун вахий осор рукьалари билан мушарраф килиб, ишларга маъмур килур эрдилар, ул рукъаларни муракка ясаб, жазвал ва такаллуфот била асрармен». Мазмун жихатдан рукьаларни уч туркумга бўлиб шархлаш мумкин: Биринчиси — бу Мовароуннахр ва Хуросонда хукмронлик килган Темурий хукмдорлар, чунончи, Бадахшон хокими Султон Махмуд (1459— 1494), Мовароуннахр хокими Султон Ахмад (1468—1493) хамда Султон Хусайн Бойкаролар орасидаги сиёсий, худудий муносабатларга дойр хатлар. Уларда Хожа Ахрор Темурий шахзодалар олдига ўзаро низоларни тинчлик йўли билан хал этиш, урушлар туфайли ахолининг жону молига зарар етказмаслик каби талабларни кўяди ва буни амалга оширишни Навоийдан илтимос килади.

Иккинчи тур хатларда эса, Хожа Ахрор шариат конун-коидаларини мустахкамлаш ва бу оркали мамлакатда адолат ўрнатиш, мусулмонлар, яъни оддий раиятга жабру зулм ўтказишдан золимлар кўлини кўтох килиш каби фикрларни ифодалайди, баъзан эса адолатсизликка учраган бирор жабрдийданинг аник номини айтиб, ёрдам кўрсатишни сўрайди.

Учинчи туркум хатларга келсак, улар Хожа Ахрор ва унинг якин муридларининг Хуросон худудида олиб борган хусусий хўжалик хамда савдо-сотик йшларига ва шулар билан боглик соликлар масаласига оиддир. Бу хатларда Хожа Ахрор ўз даврининг йирик ер-сув, мол-мулк эгаси сифатида гавдаланади, ўзининг ва якин кишиларининг манфаатлари Хуросонда хам химоя килинишига интилади. Аммо, айтиб ўтиш л озимки, бу турдаги хатлар орасида хам баъзан одций' адолатталаб кишилар хукукини химоя килишга каратилган илтимослар учраб туради.

Маълумки, XV аср Темурийлар давлатида — Мовароуннахр ва Хуросонда иктисодий, маданий, илм-фан сохаларида юксалиш даври бўлган. Шу билан бирга Темурийлар давлатининг инкирози хам ана шу асрга тўгри келиб, ўзаро тахт учун курашлар натижасида оддий халк ахволи огирлаша борган. Шариат томонидан белгиланган ушр, мол ва закотлардан ташкари хар хил вактларда турли муносабатлар билан олинадиган олик-соликлар сони 30 га якин адад-ни ташкил этар эди. Улардан баъзилари (тамго, ёргу) мўгуллар хукмронлиги даврида жорий этилган бўлиб, баъзи вактларда хали хам кўлланиб келарди. Ана шундай бир шароитда Хожа Ахрор мусулмонлар бошидан жабр-зулмни даф этмок учун дин ва шариатни дастур килган холда султонларга мурожаат килмок лозимлигини Накшбандия тарикатининг вазифаларидан деб уктиради. Хожа Ахрор сарой хизматидан воз кечмокчи бўлган Алишер Навоийга хат ёзиб, айтади: «...Эшитишимча, онхазрат, яъни султонга мулозамат килищдан гохо маломат чекар экансиз. Илтимос шуки, мусулмонларга мадад етказмок ва бирор факирнинг дили мушкулликдан халос топиб, шод бўлмоги учуй хотири шарифингизни сарой хизматидан узманг... Бирор киши хам мусулмонлар гамини ейишни ўйламай кўйган бу вактда уларга гамхўрлик килиш — энг хайрли ишдир!..»

Собик советлар даврида Хожа Убайдуллох Ахрор хакида бир канча тадкикотлар ёзилиб, унинг иктисодий, сиёсий ва маънавий хаётдаги фаолияти ёритилган бўлса-да, хукмрон мафкура нукгаи назаридан салбий бахоланарди. Кейинги тадкикотларда (А. Н. Болдирев), айникса, Марказий Осиё республикалари истиклолга эришгандан сўнг (Б.

Валихўжаев, А. Мухаммадхўжаев ва бошкалар) Хожа Убайдуллох Ахрор шахсияти ва фаолиятига янгича, хар тарафлама ёндошиб, унинг жа-мият тараккиётида тутган ўрни хакконий равишда ёритилмокда.